

# Хабар

27  
(981)-son

8-iyul

www.xabar.uz  
info@xabar.uz

2011

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqq boshlagan

**Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!**



## Орзулар рўёби

Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалининг очилганига ҳам 6 йил тўлди. Ўтган йиллар мобайнида ТАТУ Фарғона филиали чиндан ҳам ўзининг олий ўқув юрти сифатидаги салоҳиятини намоён қила олди. Таълим муассасасининг бакалавриат ва магистратура босқичларида ҳозирги кунда 1000 дан ортиқ талабалар таҳсил олмоқдалар. 2009 йили куриб фойдаланишга топширилган янги ўқув мажмуаси мавжуд қулайликлари билан жамоатчилик эътирофига сазовор бўлмоқда.

13-бет

Диққат: янги рукн!

### “Асрларга тенг йиллар”

Барчамиз энг улуғ, энг буюк байрам – Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 20 йиллигини тантанали равишда нишонлаш арафасида турибмиз. Газетамизнинг ушбу сонидан бошлаб “Асрларга тенг йиллар” рукни остида вилоятлар алоқа ва ахборотлаштириш корхона ва ташкилотлари, филиал ва муассасаларининг истиқлол йилларида эришган ютуқлари, амалга оширган ишлари ҳақида махсус саҳифалар бериб борилади.

3-бет

### Сўнги янгилик!

Жанубий Корея метроси виртуал супермаркетга айланмоқда. Поездлар келгунича, йўловчилар дўкон пештахталаридаги ҳақиқий катталикдаги маҳсулотлар фотосуратларининг QR-кодларини ўз смартфонларига сканерлаб, буюртмани ўз уйларида қабул қилиб олишлари мумкин.

Корея Республикасининг метро бекатларида йўловчилар ва поездларни ойна деворлар ажратиб туради (поезд келиши билан девор эшиклари очилади). Бу деворлар, албатта, реклама билан тўлдириб борилади. Tesco (94 фоиз) ва Samsung (6 фоиз) компанияларига қарашли Homeplus супермаркетлар тармоғи метролардаги барча реклама жойларини ёппасига сотиб олди. Натижа эса чакимас: метро супермаркетининг дастлабки уч ойлик фаолияти Homeplus онлайн-савдосининг 130 фоизга ошишига олиб келди.

### Ушбу сонда:

■ Ярим йиллик яқунлари	2
■ Ўзгаришлар даври	4
■ Инновации в телекоммуникации: ■ Проблема, решение, разработка и внедрение	6
■ "Нано"нинг компьютер билан ҳамкорлиги	12
■ UZTELECOM янгиликлари	14

### Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Алоқа оламида:



**Aloqa Print**

• СИФАТЛИ  
ТЕЗКОР  
• ПОЛИГРАФИЯ  
ИШТА ИМОДИЙ БИНАШУВ

Буклетлар, плакатлар, постерлар, визиткалар, бланкалар,  
открыткилар, блокнотлар, папкалар, хилма-хил календарлар,  
журналлар ва каталоглар тайёрлаймиз

Маҳалла: Амир Тевээр кўч., 1/2  
Тел.: (+998 71) 236 13 34, 236 39 48  
Факс: (+998 71) 233 85 98  
Хизматлар лицензияланган www.aloqaprint.uz



## Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга 5 июл куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси, Америка Қўшма Штатлари, Вьетнам Социалистик Республикаси ва Қирғизистон Республикасининг мамлакатимизда Фавқуллодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Чжан Сяо, Жорж Крол, Ле Ман Луан ва Анварбек Мокеев ишонч ёрликларини топширди.

Тошкентда ижтимоий шериклик масалалари ва фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга, шунингдек, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар саройида "Қуролли кучлар тизимида баркамол шахс тарбияси: муаммо ва ечимлар" мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Унда ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлиги, интеллектуал салоҳияти ва маънавий стуклигини таъминлаш, "оммавий маданият"нинг ёшлар қалби ва онгига салбий таъсирининг олдини олиш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Фарғона шаҳрида мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган "Ватан — истеъодлар бешиги" шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Тадбирда касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицейлар ўқувчиларининг тарих, адабиёт, спорт соҳасидаги билим ва маҳоратлари синондан ўтказилди, турли мавзуларда сахна кўринишлари намойиш этилди. Фестивал "Янги авлод", "Келажак овози", "Нихол" каби кўрик-танловлар голибларининг концерти билан якунланди.

"Бухоро" халқаро аэропорти "Аэропорт" фуқаро авиация ассоциациясининг "Бутун эътибор — йўловчи" шиори остида ўтказилган навбатдаги анжуманида "Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларининг энг яхши аэропорти" номинацияси бўйича голиб деб эътироф этилди.

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўرғазмалар залида Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, рессом В.Акудин ижодига бағишланган "Бағишлов" хотира кўрғазмаси очилди. Кўрғазмадан рессом ижодига мансуб театр декорациялари, рангтавсир ва графика йўналишидаги бодан зийд асарлар ўрин олган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2011 йилнинг I ярим йиллигида ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва соҳаларда иқтисодий ислохотларнинг бориши таҳлилига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

## Ярим йиллик яқунлари

Йиғилишда Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифаларнинг амалга оширилиши, жумладан, соҳаларда 2011 йил учун белгиланган иқтисодий кўрсаткичларнинг таъминлаши, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, инновация ва инвестиция лойиҳаларининг бажарилиши, ишлаб чиқарилиши маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар турларини, экспортлоб маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш борасида кўрилатган чора-тадбирлар самарадорлиги муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Комплекс бўйича жами бир триллион 354,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Ўсиш суръа-

ти 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 122,7 фоизни ташкил этди. Аҳолига 742,9 миллиард сўмлик (120,6 фоиз) пуллик хизматлар кўрсатилди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 122,8 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ ўзлаштирилди ёки режага нисбатан 192,3 фоизга бажарилди. Экспорт прогнози кўрсаткичлари 183,1 фоизни ташкил этди.

Йиғилишда Комплекс таркибидagi соҳаларда амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги вазифалар, умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимига ўқишга қабул қилиш чора-тадбирлари, мамлакатимиз миллий терма жамоаларини халқаро олимпия ўйинларига тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлиги, болалар спортини ривожлантириш борасидаги вазифалар ижроси атрофида муҳокама қилинди.

"Ўзбекистон" почтаси ОАЖ Тошкент филиалида мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Яқинда филиалда Тўйтепа ахборот технологиялари ва сервис коллежи ўқитувчилари билан учрашув ташкиллаштирилди.



## Ҳамкорлик

Тўйтепадаги бу коллеж фаолият бошлаганига эндигина икки йил бўлди ва тез орада вилоят алоқа корхоналарини мутахассислар билан таъминлай бошлади. Коллежда почта бўйича ҳам кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш режалаштирилган, бунинг эътиборига олган "Ўзбекистон" почтаси ОАЖ Тошкент филиали мазкур коллеж билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантирмоқда. Жумладан, келгусида филиал ва почта алоқаси тармоқларида коллеж ўқувчилари амалиёт ўташлари, уларни иш билан таъминлаш кўзда тутиляпти.

Учрашувда Республика маънавият тарғиботи маркази раҳбари ўринбосари Шамсиддин Жумаев қатнашди ва маъруза қилди. Маърузачи мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти ва аҳамияти, глобаллашув жараёнлари, чет мамлакатлар билан ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, "оммавий маданият"нинг ёшлар тарбиясига салбий таъсири ҳақида тушунча берди, шу билан бирга, кенг оммалашаётган ахборот технологияларидан тўғри фойдаланишга, дин ниқоби остида яширинган ҳар хил оқимлардан эҳтиёт бўлишга чорлади. Тингловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Коллеж директорининг касбий таълим бўйича ўринбосари Усмон Қосимов яқиндан ҳамкорлик учун филиал раҳбариятига ўз миннатдорчилигини билдирди.

Шундан сўнг коллеж жамоаси филиал бўлимларида бўлиб, уларнинг фаолияти билан яқиндан танишишди. Тадбир доирасида Алоқа тарихи музейи ҳамда "Билим" ахборот-кутубхона марказига саёҳат уюштирилди.

Собит АҲАДОВ,  
"Xabar" мухбири

Президентимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналиши юзасидан қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг бориши тўғрисидаги масалалар бўйича тегишли давлат идоралари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Шунингдек, йиғилишда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги алоқаларни янада мустақамлаш, вазирлик ва идоралар матбуот хизматлари фаолиятини тақомиллаштириш, аҳолига ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига интерактив давлат хизматларини кўрсатишни янада яхшилаш, Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 20 йиллигига тайёрлаш ишлари ва тарғибот-ташвиқот тадбирларининг бориши кўриб чиқилди.

Йиғилишда Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қўйилган устувор вазифалар ижросини амалга ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

## ДАВРА СУҲБАТЛАРИ

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ филиаллари, почта алоқаси тармоқларида истиқлолнинг 20 йиллиги олдидан почта хизмати ходимларининг ижтимоий-сиёсий ҳақда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, улар онгига фуқаролик, Ватанга фидойилик туйғуларини янада кучайтириш мақсадида Республика маънавият тарғиботи маркази вилоят бўлимлари билан ҳамкорликда давра суҳбатлари ўтказила бошланди.

Тарғибот гуруҳи аъзолари ва мутахассисларнинг чиқишлари халқаро терроризм, диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, турли миссонерлик ҳаракатларининг миллий-маънавий қадриятларимизга етказиши мумкин бўлган ҳалокатли таъсири ва кирдикорларини очиб беришга қаратилмоқда. Кун тартибидан жой олган "Ватан учун яшайлик", "Ягонасан, муқаддас Ватан!", "Бу менинг Ватаним", "Мустақиллик менинг тақдиримда", "Ўзликини йўқотмаслик учун ўзликини англаш керак", "Шу юртининг фарзандиман" деб номланган мавзулар эса тадбирларнинг қизгин баҳс-мунозара, фикр алмашувлар остида ўтишини таъминляпти.

Pochta.uz



Асрга тенг йиллар. ҚАШҚАДАРЁ:

- Майдони 28,6 минг км².
- Аҳолиси 2615.5 минг киши.
- Таркибида 13 туман, 12 шаҳар, тўрт шаҳарча бор.
- Маркази — Қарши шаҳри.

Вилоят иқтисодий ривожда алоқа ва ахборотлаштириш тизими ходимларининг алоҳида ҳиссаси бор.

# Ютуқлар саодати

Мухбиримизга вилоятда бугунги кунда алоқа соҳасини ривожлантириш, республикамиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдида соҳа ходимларининг зафарли ишлари, қўлга киритаётган ютуқлари тўғрисида “Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиали директори Жуманазар БОЗОРОВ куйидагиларни сўзлаб берди.

— Давлатимиз мустақиллигининг 20 йиллигини муносиб кутиб олиш, аҳолига сифатли алоқа хизмати кўрсатиш мақсадида филиалимизнинг ҳар бир ходими астойдил ҳаракат қилмоқда. Телекоммуникация хизматларини кўрсатишдан ташқари, жорий йилда Шаҳрисабз туманида балиқчиликни ривожлантириш мақсадида 40 сотих ерда катта ҳажмдаги иш олиб борилиб, сунъий ҳовуз барпо этилди. Му-



Ундан олинандиган гўшт ва тухум кони фойда. Деҳқонobod туманида ташкил этилган “Телеком наслчилик” шўъба корхонасида боқилаётган зотли ангор эчкиларининг сони 2500 бошдан ошди. Бу билан соҳанинг кўп тармоқлигига эътибор қаратилиб, янги иш ўринлари яратилишига эришилди. Китоб туманидаги боғдорчилик хўжалигида ҳам ишларимиз ёмон эмас.

Булар янги давр талаби кўриниши-



дан вилоят туман марказлари ва қишлоқ аҳоли масканлари ҳудудидаги эскирган аналог АТСлар орқали фойдаланаётган абонентларга қулайлик яратиш ва уларнинг талабини қондириш мақсадида CDMA-450 симсиз алоқа тармоғи орқали ишлайдиган 695та стационар телефон аппарати ўрнатилди.

ЭАТСларда кенг полосали хизматлардан фойдаланувчи ADSL модемларига уланган абонентлар сонини ошириш бўйича режа ишлаб чиқилган бўлиб, вилоятимизнинг барча туман телекоммуникациялар боғламаларида ўрнатилган DSLAM ускуналарининг монтаж сизими 2036 портта етказилди, жумладан, Янги Нишон АТСда, Шаҳрисабз 3-АТС, Деҳқонobod тумани Қарашина шаҳарчасидаги АТС ва Яккабоғ 2-АТСларда 48 портли жами 192 портли DSLAM ускуналари ўрнатилди. Режа бўйича жорий йилнинг би-

ринчи чорагида 1150та портта кенгайтириш белгиланган бўлса, уларнинг фойдаланиш сизими 1858 портта етказилди. “UzNET” филиали билан келишилган ҳолда 576 портта мўлжалланган DSLAM ускуналарини Қарши шаҳрида ўрнатиш борасида изланишлар олиб борилаётир.

Таҳлилларга эътибор қаратсак, 2010 йилнинг I чораги давомида АТСлар сизими 63842тани ташкил этган бўлса, 2011 йилнинг I чораги якунига келиб, ушбу кўрсаткич 64050тага етказилди. Шундан рақамли АТСлар сизими 2010 йилнинг I чорагида 56642тани ташкил этган бўлса, 2011 йилнинг I чораги якунига келиб 56850тага етди.

Олдимизда ахборот жамиятини шакллантириш, барча соҳаларда энг илгор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича “Ягона ойна” марказини ташкил этишдек вазифа турибди. Бу борада туман марказларида катта тайёргарлик ишларини олиб бораёмиз. Ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда интерфаол давлат хизматларини кўрсатувчи марказ аҳолига бир неча масалаларни бир жойнинг ўзида ҳал этишга хизмат қилади. Талбиркорлар ўзлари учун ҳуқуқий маслаҳатлар, пенсионерлар даромадлари ҳақида маълумотлар олишса, иш изловчилар бўш иш ўринлари, тақлиф этилаётган ишлар билан танишадилар. Беҳуда оворагарчиликларнинг олди олиниб, аҳолига зарур тез ижтимоий-идоравий ёрдам кўрсатилади. Компютер саводхонлигига эга бўлганлар эса ўзлари учун марказдан керакли маълумотларни қидириш имкониятига эга бўладилар.

Бундай ютуқларга эришишимизда Шаҳрисабз, Китоб, Қамаш, Ғузор, Муборак, Қарши, Чироқчи телекоммуникациялар боғламаларида хизмат қилаётган алоқачиларни алоҳида тилга олшни иштардим. Ишонаманки, улар бошқа ҳамкасбларини ҳам ўзларига эргаштирадилар.

“Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!” шиори остида меҳнат қилаётган ҳамкасбларимизнинг келгусидаги ишларида ҳамisha зафарлар ҳамроҳ бўлаверсин.

“**Туманлар марказларида рақамлаштириш даражаси 100 фоизни, қишлоқ ҳудудларида эса 69,4 фоизни ташкил этади. Умумий рақамлаштириш кўрсаткичи вилоят бўйича 88,8 фоизга етган.**”

тахассислар балиқ парвариши учун сув ва танланган жойга ҳамда озукасига ҳулоса беришди. Зооветеринария талаблари асосида парваришланаётган балиқлар ривожини яхши бораётган бўлса, Қарши туманида паррандачиликни ривожлантириш учун қурка боқилишти.

даги ишларимизнинг намунаси. Деҳқонobod ва Ғузор телекоммуникациялар боғламаларидаги эски дизел генераторлари қуввати 14 кВтли “GEKO 150001” русумидаги дизел генераторларига алмаштирилди. “ЎзМобайл” филиали Қашқадарё бўлими томони-

YOSHLAR HAL QILUVCHI KUCH

Артём Расулов мустақиллик билан тенгдош. Ҳозирда Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалининг 3-босқич талабаси.

## Ҳам талаба, ҳам тадбиркор

У ҳали талаба бўлишига қарамай Қашқадарё вилоятида лицензияли компютер дастурлари етказиб берадиган “Grandmasters Soft” масъулияти чекланган жамияти раҳбари ҳамдир. У ташкил этган компания дунёнинг энг етакчи дастурий таъминот ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорлик олиб бориб, вилоят нефт-газ саноати, қишлоқ ва сув хўжалиги, фармацевтика ва бошқа соҳа вакилларига замонавий хизматлар кўрсатмоқда.

2011 йилнинг бошида Тошкентда, кейинроқ Қарши шаҳрида Ёш тадбиркорлар форуми ўтказилган эди. Форумда мамлакатимизнинг таниқли олимлари, экспертлари, тадбиркорлари қатори Артём Расулов ҳам ўз изланишлари ҳақида тақдимот ўтказди. У тақдимотда ўз бизнесини эндигина бошлаган ёшларга амалий ёрдам бериш бўйича аниқ тақлифлар билдирган эди.

Артём Расулов 2010 йилда Чорвоқда ўтказилган “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази ҳузуридаги Ёш тадбиркорлар мактабининг қишки сессиясида бизнесни бошлаш учун зарур билим ва

қўникмалар олди. Ажратилган грант соҳиби бўлди. Ҳозирда “Grandmasters Soft” МЧЖ томонидан бир қатор аксилвирус дастурлари, бизнес-иловалар, маълумотлар базалари билан ишлаш, матнларни таржима қилиш, бухгалтерия ҳисоби юритиш ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган лицензияли дастурлари талабгорларга етказилиб бериляпти. Бу, ўз навбатида, Артёмнинг кўрсатаётган хизматларидан фойдаланувчи корхона ва ташкилотларга ўз фаолияти тезкорлиги ва ишончилигини ошириш, қолаверса, даромадини кўпайтириш имконини бермоқда.

Ҳар йили аънавий тарзда Президент соврини учун ўтказилиб келинадиган “Ташаббус-2011” кўриктанлови Артём Расуловга ўз махсулот ва хизматларини яна бир бор кенг тарзда, мақсадли аудиторияда реклама қилиш борасида қулай шароит яратди. “Йилнинг энг яхши бизнес-гояси” номинациясида дастлаб шаҳар, кейин вилоят босқичида ғолиб чиқиб, республика босқичида ҳам иштирок этиб қайтди.

Артёмнинг мазкур номинацияда ғолиблигини илк бор ҳакамлар ҳайъати эмас, балки иштирокчилар-



нинг ўзлари белгиланди. Умуман олганда, ташкилотчиларнинг сайё-ҳаракатлари билан бу йилги кўрик-танловда шу каби ўзгаришлар ҳамда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили мақсадларига ҳамроҳанг бошқа янгилликлар ҳам жуда кўп бўлди. Кўрик-танлов ўтказилган жойнинг ўзида тадбиркорларнинг муайян сабабларга кўра ечимланган муаммолари аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатилганини кўпчилик томонидан эътироф этилди. Шунингдек, ишбилармонлар ва мутасаддилар ўртасида бевосита мулоқот ҳам ўтказилиб, истиқболли лойиҳаларни имтиёзли кредитлаш, уларни маҳаллийлаштириш дастурига киритиш, ресурсларни иқтисод қиладиган кичик бизнесга жалб қилиш ва яна кўплаб масалалар бўйича янги-янги фикрлар баён этилганлиги Артём Расуловни янгидан-янги изланиш қирраларини очишга ундаганлиги билан аҳамиятли бўлди.



## Xalqaro haqot



### ИСПАНИЯ ЕИДАН ТОВОН ПУЛИ СЎРАДИ

Испания Евроиттифоқдан “сабзавот можароси” туфайли компенсация сифатида 80 миллион евро талаб қилмоқда. Бу ҳақда Испания қишлоқ хўжалиги раҳбари Росу Агилар маълум қилган.

Франс Пресс хабар беришича, бунга сабаб немис ҳукумати томонидан юқумли ўткир ичак касаллигини келтириб чиқаришда испан сабзавотлари гумон остига олинганлиги ва ўз тасдиғини топмаган бу айблов оқибатида Испания қишлоқ хўжалиги тармоғи жуда катта зарар кўрганлигидир.

### Forbes: ИҚТИСОДИЁТИ ПАСТ ДАВЛАТЛАР

Малагаскар 2011 йил ўрталарида дунёдаги энг ёмон иқтисодиётга эга давлат сифатида биринчи ўринни банд этди. Ушбу хулосани дунёдаги кўплаб давлатларнинг сўнги йиллардаги микроиқтисодиётини таҳлидан ўтказган ва 2012 йилгача бўлган ривожланиш прогнозини амалга оширган Forbes журнали тақдим этган.

Рўйхатнинг иккинчи поғонасини Арманистон, учинчи ўринни эса Гвинея эгаллаган. Бешликдан Украина ва Ямайка ҳам ўрин олган.

Арманистон ҳақида Forbesда бу мамлакат инкироздан ҳеч қандай йўл билан чиқолмаслиги, 2009 йилда унинг ЯИМ бирданига 15 фоизга тушиб кетгани айтилган. Шу боис бу мамлакатда инфляция даражаси юқориликча (етти фоиз атрофида) қолмоқда, ЯИМ эса аҳоли жон бошига уч минг доллардан камни ташкил этади.

### АВТОУЛОВ МИНИШ ҚИММАТГА ТУШМОҚДА

The Telegraph хабарига кўра, бензин нархи миллионлаб британияликларнинг автомобилларидан воз кечиларига олиб келмоқда. Сўнги 12 ойда 1,3 миллион Буюк Британия аҳолиси шахсий автомашиналарини бошқаришдан бутунлай воз кечган, 16,5 миллиони эса автоуловларидан камроқ фойдаланишга ўтишган. Иқтисодчилар юқори нархлар иқтисодиётни тиклашга халал беришидан хавотирда.

Ўтган йили британияликлар бензин учун ўртача 1,72 минг фунт (2,77 минг доллар) — аввалги йилга нисбатан деярли уч баравар кўп сарфлашган. Ҳозир бир литр бензиннинг ўртача нархи 1,36 фунт (бир ой олдингига нисбатан 0,25 пенс ортқ)ни ташкил этади.

### ИНТЕРНЕТПАРАСТАЛАР ДАВОЛАНИШАДИ

Жанубий корейлик шифокорлар интернетпарастликни даволашга киришишди. Конжу шаҳри (Чхунчхон-Намдо провинцияси)даги “Save Brain” клиникаси шифокорлари интернетга тобе бўлиб қолган инсонларни реабилитация қилиш билан шуғулланишмоқда.

Шифокорларнинг айтишича, ушбу хасталикка чалинганларда ижтимоий кўникмаларнинг йўқолиши, атрофдагилар билан мулоқотнинг камайиб бориши сингари симптомлар жуда кенг тарқалган. Жанубий Корей эса глобал тармоққа уланиш ҳамда интернет-хизматлар кўрсатиш бўйича дунёда энг етакчи мамлакатлардан саналади. Шу боис бу муаммо маҳаллий мутахассисларни аллақачон хавотирга солмоқда.

Интернет материаллари асосида  
У.ИҲУДШЕВ тайёрлади

Истиклол йиллари Ватанимиз равнақи учун радиочастота спектрини бошқариш соҳасида туб ўзгаришлар даврини бошлаб берди, радиочастота спектрини бошқариш масалалари мустақил давлатнинг ўз ҳуқуқига айланди.

1998 йилда Ўзбекистон Республикаси “Радиочастота спектри тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши радиочастота спектри тақсиротидаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди. Дарҳақиқат, ўтган давр мобайнида радиочастота спектрини тақсиротлаш ва ундан самарали фойдаланиш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2006 йил 22 мартдаги 307-қарорига асосан

ларида мониторинг ўтказилди. Мониторинг радиочастота спектри ҳолатини кузатиш, ундан фойдаланишни баҳолаш, радиочастота спектри тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш ва бартараф этиш учун мўлжаллан-

ноқонуний ишлатилаётган радиоузаткичлар қайд қилинди. Барча қондибузарликлар бўйича тегишли органлар томонидан ўрнатилган тартибда чоралар кўрилди. Бундан ташқари, режага асосан оммавий ахборот воситалари орқали тушунтириш ишлари олиб борилди. Бунда корхона ва ташкилот вакиллари ҳамда фуқаролар ўз хоҳиш-истаклари билан идорамизга келиб, радиоэлектрон воситаларини рўйхатдан ўтказган ҳолда тегишли рухсатномаларни қонуний расмий-



## ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

радиочастота спектри миллий мониторинг тизими қурилишининг III босқичи, “Радиочастота спектри техник назорат тизими ускуналари ни етказиб бериш, монтаж қилиш, сошлаш ва фойдаланишга топшириш” инвестицион лойиҳаси бўйича вилеятимиз Электромангнит мослашув хизматида Германиянинг “Rohde & Schwarz” заводида ишлаб чиқилган радиочастота спектрини таҳлил қилувчи радиоқабулқиличлар ва пеленгация жиҳозларидан иборат “ARGUS” дастури орқали фаолият кўрсатувчи тизим жорий этилди. Унда радионазорат пункти- миз фаолияти тезкорлиги таъминланди. Шу билан бирга, жамоамизда радиочастота спектрини техник назорат қилувчи радиоқабул қилиш ва пеленгация қилувчи кўчма станция ҳам мавжуд.

Йўлга қўйилган бундай янгиликлар мутахассисларимизга аввалгидек радиочастота спектрини бир жойда ёки стационар ҳолатда туриб эмас, балки махсус машина билан сайёр, яъни ҳаракатланаётган ҳолда назорат қилиш имконини бермоқда. Натижада меҳнатимиз самараси ортиб борапти. Яна ўзим янги мураккаб техникани ўзлаштириш ва қўллашда Германияда “ARGUS” тизимини ишлатиш бўйича малака ошириб келиб, олган билимларим- ни ёш ходимларга ўргатишган.

Ўтган йили техник имкониятларимиз янада юқори даражага кўтарилди. Германиядан келтирилган 9 ГГц дан 7,5 ГГц диапазонда ишловчи ва хизмат қоғида кўтариб олиб юраладиган қабул қилувчи қурилма радиочастота спектрини назорат қилиш самарадорлигини янада оширди.

Жамоамиз ўз фаолияти давомида радиочастота спектри диапазон-

ган ташкилий-техник тадбирлар мажмуини ташкил этади.

Андижон вилеяти Электромангнит мослашув хизмати радиоэлектрон воситаларининг техник параметрларини ўлчаб, электромагнит мослашув бўйича хулосалар ва радиоэлектрон воситаларидан фойдаланиш учун рухсатнома беради. Ташкилотимиз радиоэлектрон воситалардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг радиохалақитлар бўйича мурожаатларини қабул қилиш ва уларни бартараф этиш бўйича ўрнатилган тартибда иш олиб боради. Шунингдек, аҳолидан радиотелевизион сигналларни қабул қилишдаги радиохалақитлар бўйича ариза ва шикоятларни қабул қилиб, уларни бартараф этади.

Бизда корхона ва ташкилотлар ҳамда фуқароларга радиоэлектрон воситаларни четдан олиб кириш, лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш), сотиш, фойдаланиш учун рухсатнома расмийлаштирилади. Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳаракатларни ноқонуний амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Божхона бошқармаси, Давлат солиқ бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Андижон вилеяти бошқармаси, Ички ишлар бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ва Давлат алоқа инспекциялари билан ҳамкорликда ҳар йили режалар ишлаб чиқилмоқда. Масалан, жорий 2011 йилнинг биринчи ярми давомида режага асосан ҳамкорликда 35 мартаба қўшма рейдлар ўтказилди, натижада 239та


лаштирмоқдалар. Шунингдек, ИИБ, МХХ билан ҳамкорликда ўтказилган рейдларда ўрта тўлқин диапазонларида ишловчи қўлбола радиоузаткичлардан фойдаланаётган 20 нафар радиобезорилар аниқланиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан тегишли чоралар кўрилди. Ушбу ҳолатлар бўйича ҳамда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бериш мақсадида вилеят телерадиокомпанияси ҳамкорлигида кўрсатув тайёрлаб эфирга узатилади ва ҳуқуқбузарлик ҳолати тасвирга олинган лавҳалар Электромангнит мослашув марказининг веб-саҳифасига жойлаштирилди.

Вилеятимизда “Uzdunrobita”, “Unitel”, “Ucell”, “Перфектум мобайл” ва “ЎзМобайл” уяли алоқа компаниялари фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур компаниялар вилеятимизнинг барча ҳудудларида корхона, ташкилот ва тадбиркорларнинг, қолаверса, республикамиз аҳолисининг узогини яқин, оғирини енгил қилмоқда. Хизматимиз томонидан вилеятимиз ҳудудига уяли алоқа компанияларининг база ва радиорелели станцияларини лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш) учун жамоамиз мутахассислари томонидан электромагнит мослашув хулосаси ҳамда марказлашган ҳолда фойдаланиш учун рухсатнома расмийлаштирилишида яқиндан ёрдам берилмоқда. База ва радиорелели станцияларни фойдаланишга топшириш бўйича Давлат қабул комиссиясида мутахассисларимиз иштирок этапти.

Хизмат ходимлари мунтазам малакаларини оширадидилар, янги техника ва технологияларни жорий этишда иштирок этадилар. Жорий йилда Андижон вилеяти Электромагнит мослашув хизматига сифат менежменти бўйича ISO 9001 сертификати берилиши кутилмоқда.

Бу йил мустақиллигимизнинг 20 йиллигини нишонлаймиз. Хизматимиз ходимлари ҳам байрамни катта муваффақиятлар билан кутиб олмақда.


Ўткирбек ҚОДИРОВ,  
Андижон вилеяти  
ЭММХ бошлиғи





# "Bino Servis" хизмат кўрсатади

Хаёт шиддат билан давом этмоқда. Корхона ва ташкилотларда олиб борилаётган ишлар ҳам шунга мос равишда ривож топяпти. Бу ривожланиш, бу шиддат алоқа соҳаси корхона ва ташкилотларида, айниқса, кучли ва кенг миқёсда. Аҳолининг алоқа хизматига эҳтиёж ва талаблари тобора ортиб борётганлиги соҳада меҳнат қилувчиларнинг иш шaroитларини янада яхшилашни ҳам талаб этмоқдаки, бу масала соҳа раҳбарларининг доимий диққат-эътиборида турибди. "Ўзбектелеком" АҚ таркибиде янги "Bino Servis" филиалининг ташкил этилиши ҳам ана шу эътибор натижасидир. Мухбиримиз мазкур филиал директори Асаджон Тоғаев билан олиб борилаётган ишлар, мақсад ва вазифалар ҳақида суҳбатлашди.



сув тошқини ва бинога рухсатсиз кириш ҳолатларида) техник хизмат кўрсатиш, объектларни қўриқлаш, кириш-чиқиш тартиби ва бинога киришни назорат қилиш, умумий фойдаланиш жойларини таъмирлаш ва пардозлаш, умумқурилиш ва таъмирлаш-монтаж ишларини олиб бориш ҳам бизнинг зиммамизга юклатилган.

— Бугунги кунгача қандай ишлар амалга оширилди?

— Ўтган йил ноябр ойидан шу йил бошигача ташкилий ишларни амалга оширдик. Жорий йил бошидан бери тасарруфимиздаги тўртта бинога коммунал хизмат кўрсатувчи барча ташкилотлар (электр таъминоти, иссиқ ва совуқ сув, лифт хизмати, СЭС) билан янги шартномалар тузилди. Бинолардаги мавжуд ҳисоблагичларнинг яроқчилиги тегишли ташкилотлардан қайта рўйхатдан ўтказилди. Ижарачилар билан тузилган шартномалар қайта кўриб чиқилди. Бинолар атрофида ободонлаштириш-қўқаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Яна бир неча муҳим лойиҳаларни бажаришга киришганмиз. Режаларимиз кўп, уларни тўлиқ амалга ошириш ўзимизга боғлиқ.

— Суҳбатингиз учун раҳмат. Масъулиятли ишларингизда муваффақият тилаймиз.

Муборак МИРКАМолова суҳбатлашди

— Асад Насруллаевич, аввало, филиални ташкил этишдан қайси мақсадлар кўзда тутилганлиги ҳақида гапириб берсангиз.

— "Ўзбектелеком" АҚ бош директорининг 2010 йил 18 ноябрдаги 384-буйруғи асосида ташкил этилган "Bino Servis" филиали олдида компания балансидаги бинолар эксплуатациясини тартибга солиш, уларнинг санитария-гигиеник ва экологик ҳолатини назорат қилиш, энергетик ресурслар таъминотини амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этилишини таъминлашдек мақсадлар турибди. Бу ишларни амалга ошириш қирқ нафарга яқин ходимлар зиммасига юклатилган.

— Ходимларни ишга олишда қайси жиҳатларга кўпроқ эътибор

қаратилди?

— Албатта, билим ва тажрибасига. Бизнинг соҳа шундайки, агар билими ва уқуви бўлмаса, ўзига топширилган вазифани удаллаши қийин. Шунингдек, фидойилик ҳам муҳим фазилат. Зиммамизга юклатилган вазифани тўлиқ бажариш учун ҳам фидойилик кўпроқ зарур деб ўйлайман. Ахир, компания тасарруфидаги бинолар бундан бир неча йиллар олдин қурилган. Уларни вақтида таъмирлаб, эскирган жойларини янгилаб турмаса бўлмайди. Қолаверса, бу биноларда ижарада турувчи ходимлар учун етарли шароит яратиб бериш, фаолиятлари давомида пайдо бўлаётган муаммолар бўйича ижарачилар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳам бизнинг зиммамизда.

— Филиал ходимлари олдида яна

қандай вазифалар турибди?

— "Ўзбектелеком" АҚ балансидаги барча маъмурий бинолардан фойдаланишда янги замонавий ускуна ва воситаларни жорий этиш, бу биноларда фаолият юритаётганларга телекоммуникация ва бошқа хизмат турларини кўрсатиш, энергетик ресурслар таъминоти бўйича ташкилотлар билан ўзаро тўловларни амалга ошириш, компания ижро аппаратини зарур материаллар, ускуналар ва жиҳозлар билан таъминлаш, иншоотларни профилактик кўриқдан ўтказиш, муҳандислик ускуналарини созлаш ва техник хизмат кўрсатиш, бинолар атрофини ободонлаштириш ва санитария-гигиеник ҳолатини аъло даражада сақлашдан иборат. Шунингдек, оғоҳлантириш назорат тизимига (ёнғин,

Сир эмаски, машҳур брендлар остида дунёнинг кўплай мамлакатларида ноқонуний равишда мобил телефонлар ишлаб чиқарилади. Оқибатда, телефонларнинг қалбакисини фарқлай олмаган харидорлар сифатсиз алоқадан асабийлашишга мажбур бўлишади.

## Телефон хизмат доирасидан "ташқари" да

Республикамиз божхоначилари томонидан сифати кафолатланмаган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган уяли телефонларнинг ноқонуний олиб ўтилишига қарши чоратадбирлар давом эттирилмоқда.

Яқинда Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари йирик миқдордаги сифати кафолатланмаган уяли телефонларнинг ноқонуний олиб кирилишига нуқта қўйишди.


Шаржадан қайтган фуқаро Р. Далимов пойтахт аэропортида бир оз "ушланиб" қолди. Сабаби, у уч турдаги 14 дона уяли телефонларни яширинча олиб ўтаман деб адашган эди. Қонунбузар қиймати салкам 8,6 млн. сўмлик ушбу маҳсулотлар ҳақида на божхона баённомасида, на оғзаки сўров пайтида маълум қилишни "унутиб" қўйибди.

Божхоначилар томонидан "Нексия" русумли автомобил божхона назоратидан ўтказилганда, унда самарқандлик И. Жалилов ва А. Расулов томонидан 27 турдаги 417 дона уяли телефонлар яширинча олиб кетилаётганлиги аниқланди. Қонунбузарлар қиймати 28 млн. сўмлик ушбу телефонларнинг божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи биронта ҳам ҳужжатни тақдим қила олмади.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона суриштирувлари давом эттирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг биринчи ярми давомида республикамиз божхоначилари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 236 қонунбузарлик ҳолатларида қиймати 852 млн. сўмдан ортқ бўлган салкам 5,5 минг дона мобил телефонларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати



## SURXON TOMONLARDA

### Энг яхши техниклар танлови

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиалида "Почта хавфсизлиги бўлиминининг энг яхши техник" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Бу тадбир Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига ҳамда бўлима ташкил топганлигининг 10 йиллигига бағишланди.

Термиз шаҳри ва туманлари почта алоқаси тармоқларида фаолият юритаётган почта хавфсизлиги бўлиминининг касбий маҳоратлари ҳамда бадий ҳаваскорлик истеъдодлари қай даражада эканлигини билиш — танловнинг бош мақсади эди. Синов жараёнида шу нарса аён бўлдики, барча почта алоқаси тармоқларида тизимга муносиб кадрлар хизмат қилишмоқда. Улар почта хавфсизлигини таъминлаш лаёқатига эга.

Термиз шаҳри, Сароисиё ва Денов туманлари почта алоқаси тармоқларининг шу шохобчага масъул ходимла-

ри — Лутфулла Маҳмудов, Баҳриддин Айматов, Зиёрат Шоймардоновлар кўп йиллик тажрибага эгалиги ва соҳани яхши билиш борасида анча устунликка эришишди. Шу муносабат билан улар фахрли ўринларга муносиб қўрилиб, филиалнинг қимматбаҳо совгаларини олишга муяссар бўлишди.

Термиз шаҳар почта алоқаси тармоғи ходими Лутфулла Маҳмудов "Почта хавфсизлиги бўлиминининг энг яхши техник" деб топилди. Энди у кўрик-танловнинг республика босқичида Сурхондарё вилояти шарафини ҳимоя қилади.

### Соғлом танда — соғ ақл

"ЎЗИ-Термиз" филиалида бу ақидага қатъий амал қилиб келинмоқда. Натижада ходимларнинг меҳнат унвдорлигига эришиш борасида барқарорлик сақланиб келиняпти.

Яқинда вилоят поликлиникасининг энг малакали шифокорлари филиалда бўлишиб, жамоа аъзоларини галдаги тиббий кўриқдан ўтказишди. Жараён давомида ходимларнинг асосий қисми соғлом эканлиги маълум бўлди. Саноқли кишиларга саломатлигини мустақамлаш ва тиклаш юзасидан тиббий маслаҳатлар берилди.

Ўз мухбиримиз

### Хулосат

Ёлғизлик ҳалокатга олиб келади. Зеро, инсон ўзига керакли нарсаларни фақат жамият ёрдамида қўлга киритиши мумкин.

Ибн Сино



Трудно представить современный мир без такого надежного вида технического средства как телефон. Однако частые повреждения телефонного кабеля приводят к тому, что в нужный момент абоненты теряют связь друг с другом, лишаются возможности вызова экстренных служб и причина всем этим бедам зачастую одна – отдельный участок телефонного кабеля попросту отрезан и похищен.

## Инновации в телекоммуникации: ПРОБЛЕМА, РЕШЕНИЕ, РАЗРАБОТКА И ВНЕДРЕНИЕ

Для предотвращения повреждений, хищений и осуществления контроля целостности кабелей связи в системах связи предпринимаются различные меры. На магистральных кабельных линиях используются системы сигнализации, оповещающие персонал о повреждении либо об обрыве телефонного кабеля.

В связи недостаточностью мер по организации постоянного контроля целостности кабелей распределительных сетей телефонных линий, в последнее время участились хищения на участках прохождения кабелей малой емкости.

Для обеспечения контроля целостности кабельных линий и линейных измерений специализированными компаниями предлагаются к использованию различные приборы, аппаратура и компьютерная техника. Это многофункциональные системы со стоимостью от 10 млн. сум. и выше за 1 комплект.

Также неоднократно в различных публикациях СМИ («Infocom.uz» 2006, 2009г., «Xabar» 2008-2009г.) сообщалось, что в ГУП «UNICON.UZ» Центре научно-технических и маркетинговых исследований УзАСИ разработан аппаратно-программный комплекс «СОКСС-2006» для обеспечения возможности автоматизированного и оповещения персонала АТС контроля целостности распределительных телефонных кабельных линий стоимостью, которой значительно ниже зарубежных систем, перечисленных выше.

Технико-эксплуатационными показателями системы являются: оперативное определение повреждения кабеля, оповещение технического персонала АТС, ведение журналов (документирование) аварийных ситуаций.

Напомним лишь, о том, что первые испытания опытного образца системы с ее установкой состоялись на Алмалыкском узле связи в конце 2006 года.

После этого испытания аналогичные модели системы были установлены на АТС города Ташкента, Ферганского и Кокандского узлов телекоммуникаций. При испытаниях была подтвер-



дена эффективность использования системы — предотвращены 6 случаев хищения кабеля.

На основании полученных результатов технических испытаний и опытной эксплуатации усовершенствованы конструктивная и программная части системы и разработана модульная компонента системы.

Система «СОКСС» неоднократно представлялась на различных отраслевых, республиканских и международных выставках (2006, 2007, 2008, 2009гг.). На второй Национальной ярмарке инновационных идей и проектов заключен договор с АК «Узбектелеком» на поставку в течение 2009-2010 гг. 20 комплектов системы «СОКСС-2006.2».

В настоящее время монтажные работы по установке и настройке всех 20 комплектов завершены. Системы установлены на АТС в городах Ташкент, Бекабад, Келес, Ангрэн, Алмалык, Фергана, Коканд, Андижан, Наманган. Наиболее активное внедрение и эксплуатация системы проводится на АТС в городах Ташкент, Коканд, Келес и Алмалык.

Несмотря на то, что за этот период система эксплуатировалась лишь на 50%, получены положительные результаты и отзывы о работе системы. За время проведения мероприятий по внедрению системы разработчики получили новые дополнительные результаты и предложения от эксплуатационников по работе системы. Данные материалы в настоящее время проанализированы и подготовлены предложения по

дальнейшему усовершенствованию и развитию системы с эксплуатации ее в сетях нового поколения NGN. Внедрение данной технологии значительно изменит топологию подключения линейно-кабельного хозяйства АТС. В данном случае применение уже существующих методов контроля целостности распределительных кабелей по физическим цепям станет невозможным. В соответствии с увеличением количества и качества услуг, предоставляемых абонентам, проблема своевременного определения и восстановления целостности распределительной сети в существующем режиме эксплуатации сетей связи будет не менее актуальной.

В связи с этим усовершенствованная новая конструкция системы АКЛ (автомат контроля линий), содержащая тот же принцип использования на концах действующих абонентских линий резисторов, отличающаяся тем, что по телефонной линии передается цифровая информация для автоматизированной регистрации и оценки целостности телефонной линии в условиях эксплуатации сетей NGN, может оказаться востребованной.

Конструктивные решения и функциональные свойства обеих систем представлены в Отдел изобретений Государственного патентного ведомства, прошли предварительную формальную экспертизу и зарегистрированы в реестре изобретений.

**Равиль САЙФУЛИН,**  
начальник отдела  
ГУП «UNICON.UZ»

## Подарок — детям

Юго-Западный филиал интегрированной телекоммуникационной компании ООО «Юнител», работающая под торговой маркой «Билайн», провела благотворительную акцию «Мобильный интернет — детям!» В рамках этой акции пять беспроводных USB-модем Билайн получили дети города Зерафшана.

На днях 10 единиц USB-модем Билайн в комплекте с сим картами были преподнесены в дар компьютерному классу специализированной школы-интерната № 19 Джандарского района, которую вручил директор Юго-Западного филиала Гулям Артыков. Директор школы-интерната Боймурод Бабаев поблагодарил компанию «Билайн» за такой подарок и отметил, что теперь у учащихся появилась возможность глубоко изучать достижения мировой информационной сферы, овладении современными медиа-технологиями, иностранными языками, интернетом.

В считанные минуты специалисты «Билайн» установили USB-модемы Билайн на компьютеры учебного компьютерного класса. Благодаря USB-модем Билайн для детей свободным стал доступ в интернет по всему Узбекистану и за рубежом, где действует GPRS-роуминг. Дети не стали дожидаться, когда гости уйдут, тут же открыли страничку интернета, где была информация о достижениях Узбекистана за 20 лет независимости.

**Асатилло КУДРАТОВ**

## UCELL: Инновационные технологии на рекламном рынке

Ucell в течение двух дней проводил специальную акцию, посвященную запуску новых совместных предложений Ucell и Samsung — пакетов «Маргилан» и «Семург» от Ucell со смартфонами Samsung Galaxy S I9003 и Samsung Galaxy Ace S5830.



Акция проходила на втором этаже ТРЦ Kontinent, во время которой каждый посетитель мог почувствовать вкус к инновационным технологиям — сыграть в виртуальный футбол на интерактивном полу, принять участие в розыгрышах ценных призов от Ucell и Samsung, послушать хорошую музыку от Dj Black.

«Интерактивный пол» — проекционно-интерактивная система отображения рекламной информации с помощью специально подготовленного контента и интерактивных функциональных возможностей. Принцип работы системы «Интерактивный пол» заключается в создании на полу проекционной поверхности, ограниченной заданными размерами и оснащенной интерактивными функциями.

Проходя через зону проекции, человек «оживляет» поверхность экрана, приводя в действие интерактивные эффекты. Обычно отображаемый контент состоит из нескольких слоев: нижний — непосредственно рекламное сообщение (фото, видео и другие материалы), и верхний — интерактивный эффект. Спектр базовых эффектов достаточно широк, что позволяет создавать неповторимые и уникальные плоскости, вовлекая прохожего в диалог с продукцией.

Данная технология была применена в Узбекистане впервые. Инициатором выступил Ucell и техническая организация акции была возложена на компанию Ledokol Group.

Примечательным фактом стало то, что фотографии и видео с данной акции выкладывались в режиме реального времени на корпоративную страничку Ucell в социальной сети Facebook, благодаря чему участники сети, которые не могли приехать в ТРЦ Kontinent, имели возможность наблюдать за ходом акции в режиме онлайн.

Данный эксперимент с использованием социальной сети также был осуществлен впервые на рекламном рынке страны.



**Браузерлар бозорида**



Google Chrome браузерининг жаҳон бозоридаги улуши 20 фоиздан ошди, Microsoft Internet Explorer эса ўз мавқеини йўқотмоқда (-50 фоиз) — бу ҳақда Ирландиянинг StatCounter мониторинг компанияси хабар тарқатди.

Июн ойида интернетга кирувчиларнинг 20,7 фоизи Chromeдан фойдаланган, бу браузер ишга туширилган 2008 йил декабр ойидан 7 баравар кўпдир. Июн ойида глобал тармоққа уланувчиларнинг 44 фоизи Internet Explorerга мурожаат қилган, Mozilla Firefoxни эса фойдаланувчиларнинг 28 фоизи ишлатишган (2009 йил июн ойида 30 фоиз эди).

Сўнгги погоналарга Apple Safari (5,07 фоиз) ва Opera (1,74 фоиз) браузерлари жойлашди.

**Picasa ўзгаради, YouTube қолади**



Google компанияси бир қатор сервисларига янги ном бермоқчи, бу ҳақда Mashable нашри хабар тарқатди. Гап, аввало, Picasa фотохостинги ва Blogger блогхостинги ҳақида кетяпти. Уларга Google Photos ва Google Blogs номлари берилиши маълум қилинган. Ўзгаришлар бошқа хизматларни ҳам қамраб олиши эҳтимолдан йироқ эмас. Фақат YouTube видеохостинги номини сақлаб қолади.


**Android учун бепул луғат**



Merriam-Webster (таниқли луғатлар нашриёти) Android амалиёт тизими ўрнатилган мобил телефонлар учун бепул илова сифатида инглиз тилининг изоҳли луғатини чиқарди.

Луғатда овозли қидириш амалиёти, шунингдек, сўзларнинг талаффузи, мақолаларни ўқиш, сўвномалар тарихи каби функциялар мавжуд. Дастур Android Market интернет дўкони орқали Androidнинг 1.6 ва ундан юқори шакллари учун тарқатилмоқда.

**IBMдан янгилик**



IBM корпорацияси янги компьютер хотираси технологияси ҳақида маълум қилди: унинг асосида кўпроқ ахборот сақлаш, тезликини ошириш, ҳозирги NAND-хотира намуналарига қараганда ахборотни 100 баравар кўпроқ муддат сақлаш имконини берувчи SSD чиплар ишлаб чиқариларкан.

Янги PCM-хотира ёки Phase Change Memory хотира чиплари икки бит маълумотни бир ячейкага ҳеч бир зарарсиз жойлаштира олади.

Таъкиллаш керакки, жаҳон бозорида муқобил PCM-ечимлар ҳам старли, жумладан, Micron Technology, Samsung ва Hynix компаниялари томонидан чиқарилган NOR, EEPROM ёки NVRAM хотираларини санаб ўтиш мумкин.


**Китоб ўрнига букридер**

Жанубий Кореяда 2015 йилгача бошланғич мактаб ўқув қўлланмаларини тўлиқ рақамли шаклга ўтказиш режалаштириляпти. Корейс ўқувчилари мактабга ўзлари билан китоб ўрнига букридер, смартфон ёки планшет компьютерлар олиб боришади.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, бундан бир неча йил муқаддам Гонконг ҳукумати мактаб дарсликларини букридерларга тўлиқ алмаштиришни уйдалаганди.

Яна бир хабар, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан тузилган 15 ёшгача бўлган ўсмирларнинг компютер саводхонлиги рейтингига Жанубий Корея биринчи ўринни эгаллади. Таъкилотда 16 мамлакатдаги 38 минг нафар ўсмир ва қизларнинг лаёқати ўрганилганди.

Иккинчи ва учинчи ўринларда — Янги Зеландия ва Австралия.



**Яхши хабар**



Спам — электрон почта орқали келувчи номақбул хабарлар сони жаҳон бўйича кескин пасаймоқда. Spamantic

Intelligence хабарига кўра, ўтган 2010 йил июл ойида спамлар сони кунига 225 млрд.ни ташкил этарди. Жорий йил июн ойига келиб бу кўрсаткич тахминан 40 млрд.га камайган (82,2 фоиз).

Бундай натижага аввало турли мамлакатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг кучларни бирлаштириши ва интернет-провайдерлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб йирик ботнетлар (спам йўловчи ва DDoS-ҳужумлар уюштирувчи зарарли компютерлар тармоғи)га барҳам бериши орқали эришилгани мутахассислар томонидан таъкидланмоқда.

**Қоғоз пулдан ваз кечамиз...ми?**

Йирик тўлов тизимларидан бири — PayPal президенти Скотт Томпсоннинг таъкидлашича, 2015 йилга бориб қоғоз пуллар америкаликларнинг кундалик ҳаётидан бутунлай чиқиб кетади.



“Бизнингча, 2015 йилга бориб электрон пуллар АҚШда барча жойларни: кичкина дўконлардан тортиб, Walmart каби улкан савдо тармоқларигача қамраб олади. Қоғоз пулларга ҳеч ҳам эҳтиёж қолмайди”, — дейди Томпсон.

Бу шунчаки қуруқ сўзлар эмаслигини ишботлаш мақсадида PayPal қарашли бўлган eBay онлайн аукциониди янги кампания ўтказиляпти, унга кўра, харидорларга фақат электрон пуллар орқали савдо қилишга рухсат берилади, қоғоз пуллар қабул қилинмас экан.

**Бор эътибор Хитойга**

Тайваннинг Acer ва ASUS компютер компаниялари йилнинг иккинчи ярмида Хитойга ноутбуклар етказишни кўпайтиришмоқчи.

Айни пайтда Acer Европа бозорида ноутбукларини сотишда давом этяпти. Аммо сўнгги пайтларда компаниянинг ўрта ва қуйи бўғин ноутбуклари 40-50 долларга арзонлашди ва бу компания даромадига салбий таъсирини ўтказмай қолмади, шунингдек, бошқа ишлаб чиқарувчилар ҳам шу йўлни туттишга мажбур бўлишди.

Америкада ҳам худди шу аҳвол: ноутбуклар бозорига планшет компютерлар жиддий таҳдид соляпти ва йилнинг иккинчи ярмида вазият ўнгиланишига умид йўқ.

Ҳозирги кунда ASUS Хитой ноутбуклар бозорида 15 фоиз улушга эга. Acer эса шу йил давомида Чин мамлакатиди ўз ҳиссасини 13-15 фоизга етказиш, кейинчалик ASUSни орда қолдиришни режалаштирмоқда.



**АКТ бойлари**

Facebook асосчиси Марк Цукербергнинг шахсий жамғармаси июн ойида 18 млрд. доллардан ошди ва у ахборот технологиялари соҳаси бойлари орасида Билл Гейтс ва Oracle асосчиси Ларри Эллисондан сўнг учинчи ўринга кўтарилиб олди.

Ундан кейинги погоналарни Apple асосчиси Стив Жобс ҳамда Google асосчилари Сергей Брин ва Ларри Пейжлар банд этишган.



**Ноёб топилма**

Токио университети профессори Ясухиро Като бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар Тинч океани тубида (Гавайи ороллариининг шарқи) гадолинний, лютеций, тербий, диспрозий, тантал ва иттрий сингари камёб элементларнинг улкан қони топилганини маълум қилишди.

Бу ноёб минераллар смартфонлар, планшет компютерлар ва суюқ-кристалл экранли телевизорлар ишлаб чиқаришда муҳим ашё ҳисобланади.

Ноёб топилма камёб элементлар бозорида катта бурилиш ясаши мумкин. Я.Катонинг айтишича, атиги 5 кв. км. майдондан олинган хом ашё бир йиллик жаҳон талабини қондиришга бемалол етаркан.

**“Ақлли” вирус**

“Энг ақлли” компютер вируси аниқланди: уч ойда у 4,5 миллионга компютерни зарарлашга улгурган.

Вирусни антивируслар орқали аниқлашнинг деярли иложи йўқ, қолаверса, қуйи даражали функциялардан фойдалангани боис мутахассислар уни ўрганишда қийинчиликларга дуч келишмоқда. “Касперсий Лабораторияси” томонидан ўтказилган техник таҳлилга кўра, зарарли дастурнинг сўнгги шакли — TDL-4 2011 йил дастлабки чорагида 4,52 млн.га компютерга зарар келтирган. Зарарланган компютерларнинг учдан бир қисми АҚШда жойлашган.





# "Нано"нинг компьютер билан ҳамкорлиги

(Давоми. Аввали ўтган сонда.)

## БИОКОМПЮТЕР ВА НАНОПСИХОЛОГИЯ

1994 йилда Жанубий Калифорния университети профессори Леонард Адлеман ДНК-хужайраси ва технологияларни бирлаштириш устида изланиш олиб борган. Бу биокомпьютернинг яратилишида илк қадам бўлган, десак хато бўлмайди. Бундай компьютер ёрамада анъанавий компьютер меъморчилигида бажариш мумкин бўлмаган ишларни амалга ошириш имкони бор. Шунингдек, ДНК-методи ёрдамида биокимёвий реакцияларни, керакли ўринларда молекулаларни филтрдан ўтказиш ҳам мумкин. "Ҳар тўқисда бир ноҳис" деганидек, келажак компютернинг бу тури ҳам узоқ масофадан туриб буйруқ беришида муаммолар бор. Биокомпьютердаги асосий бирлик биомолекулани ташкил этади. Ҳўш, бундай компьютерлардан қандай ўринларда фойдаланиш мумкин?

Назариётчи олим М.Эпштейннинг фикрига кўра, энди фалсафа оламида туб ўзгаришлар юз бермайдди. Энди бу соҳадаги улкан ўзгаришларни нанопсихологиядан қилириш даркор. Нанопсихологиянинг ривожига эса биокомпьютерларнинг яратилишига бевосита боғлиқ бўлади. Эпштейннинг тахминига кўра, эндиликда инсон "дунё ўргимчак тўри"га боғланиб қолади. Демакки, ундаги ҳар бир нейрон, хужайра, ген ва чиплар жиловланган, боғланган бўлади. "Зарралар психологияси" орқали миёга киритилган зарра компьютерлар ҳар бир хужайра билан ўзаро таъсирда бўлади, уни назорат қилиш ва кези келганда, бошқаришга замин яратади.


Наночип, нанобот, микронуртқатувчи, микрокомпьютерлар, микротизим кодлаштирувчиси, ДНК-компьютерлар каби нанотехнологик зарра-асбоблар миёнинг ҳар бир хужайрасидаги жараёнларни ўрга-



ниш имконини яратади. Рухий жараёнларга нанозарралар (наноблокаторлар, нанокранлар, наночиплар ва ҳар хил наноэнергетик тузилмалар)нинг таъсири туфайли уларни ўрганиш билан бирга, муаммоларни ҳал қилиши мумкин. Зарралар ёрдамида миёнинг ахборий ҳудудларини ўзгартириш, унга янгиликлар киритиш имконияти мавжуд. Рухий жараёнларни мия ва асабларда

жойлашган нанозарралар таъсирида тадқиқ этиш, уни компьютер ёрдамида бошқаришда интернетга ўхшаш глобал тармоқ яратиш устида бугун соҳада изланиш олиб бораётган олимларнинг бош қотираётгани ҳам сир эмас.

garif.livejournal.com сайтида берилишича, соҳа ривожланиши туфайли "фикрий очик жамият" пайдо бўлади. Унда барчанинг ўй-хаёлларидан бохабар бўлиш имконияти туғилади. Қадимда йоғлар ва баъзи алоҳида қобилиятга эга инсонлар бошқаларнинг фикрларини ўқий олган бўлса, тараққиёт натижасида келажакда бунини компьютер ҳам бажара оладиган бўлиб қолиши эҳтимолдан холи эмас экан. Эътиборлиси, баъзи мутахассислар балки, шу йўл билан фикрлар бебошлигига барҳам бериш мумкиндир, деган фикрда.



## КВАНТ "МИТТИВОЙ"ИНИНГ ФИЗИКАДАГИ АҲАМИЯТИ

Нанокompютернинг яна бир тури квант компютеридир. Бир неча уриниш ва изланишлар натижасини ҳисобга олмаганда, квант (чиқарилиши ёки ютилиши мумкин бўлган энг оз, бўлинас энергия микдори)

механикаси асосида ишлайдиган ҳисоблаш машинаси ҳозирча фаразий мослама ҳисобланади. Аммо, замонавий физика тараққиёти квант назариясининг ривожланиши билан бевосита алоқадор эканини таъкидлаш зарур. Боиси, аини пайтгача 10 кубитгача бўлган квант компютерларнинг вариантлари яратилган.

Бундай компютерларни яратиш фикри 1980 йили Ю.Манини томонидан ўртага ташланган. Шундан сўнг квант компютерлари физиканинг оғир ва кўп қисмли тизимларини тадқиқ қилишда зарурий ашёга айланиши маълум бўлди. Бизнинг асримизда келиб эса кўплаб илмий лабораторияларда бир кубитли квантпроцессорлар ихтиро қилинди. 2007 йилнинг февралда "D-Wave" компанияси (Канада) квант компютери намунасини яратгани тўғрисида хабар берган эди. Унга кўра, мазкур ихтиро 16 кубитдан ташкил топган. Демакки, ҳали соҳада кўплаб кашфиётлар амалга оширилади.

## КАШФИЁТ БУНЁДКОРЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Булар ҳали ҳаммаси эмас. АҚШлик олимлар томонидан ажойиб миттивой ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур нанокompютернинг "афзаллиги" унинг мониторинги инсон кўзига ўрнатса бўлишида кўринади. Атиги 1 куб мм. қўлагни эгалловчи мослама кўз олмасининг ўзига имплантация қилиш орқали ўрнатилди. Шунингдек, у ўзида микропроцессорларни, босим датчигини, батарея, радиоблок ва антеннани мужассамлаштирган.

"Зарралар" олами тадқиқотлари эса ҳали давом этапти. Аини пайтда мўъжиза деб ҳисобланаётган нанотехнология тўғри йўналтирилса, жуда кўп илмий тадқиқотларга ечим топиши мумкинлиги фаннинг аҳамиятини оширмақда. Бунда нанотехнология ютуқлари ҳам бошқа соҳалар каби жамиятнинг фаровон ва тинч яшашига йўналтирилса бас.

Санобар ЖУМАНОВА

## ЎСТИҚЛОЛ ВА YOSHLAR

**Мустақилликка қадар вилоятда атиги битта алоқа соҳаси кадрлари тайёрлайдиган хунар маскани бор эди. Кейинги йилларда у Какайди транспорт ва алоқа коллежи деб атала бошланди. Эндиликда бу билим ва хунар маскани ягона эмас. Нафақат Жарқўрғонда, балки Бойсун, Олтинсой, Денов, Узун туманларида ва Термиз шаҳрида транспорт ва алоқа ҳамда ахборот технологиялари касб-хунар коллежлари фаолият кўрсатмоқда. Энг муҳими, буларнинг барчаси янги ва замонавий биноларга эга.**

## Улғайиш пиллапоясида

Таъкидлаш лозимки, тилга олинган даргоҳларда Тошкент алоқа коллежидагидан кам бўлмаган даражада билим берилиб, танланган касб сирлари пухта ўргатишмоқда. Хусусан, Термиз ахборот технологиялари ва маиший хизмат касб-хунар коллежи ўз имкониятларининг кенглиги билан алоҳида ажралиб туради. Ҳозир бу масканда информатика ва коммуникация тизимлари, радиотехника ва телеаппаратураларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, халқаро алоқалар, телекоммуникация ва алоқа тизимларини монтаж қилиш ва таъмирлаш йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Коллеж биноси истиқлол йилларида қайта ре-

конструкция қилинди. Унга 2008 йилдан эътиборан Термиз ахборот технологиялари ва маиший хизмат касб-хунар коллежи мақоми берилди. Жорий йилдан алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси бўйича қалдирғоч кадрлар чиқаришмоқда. Каримжон Абдурасулов битирувчилардан бири ҳисобланади.

— Мен сеvimли соҳам сирларини янада чуқурроқ ўрганиш ниятида Тошкент ахборот технологиялари университетида ҳужжатларимни топширдим, — дейди у эртанги порлоқ истиқболга умид боғлаб. — Кўнглимда шундай жўшқин туйғу уйғотганлари учун устозларимдан беҳал миннатдорман.

Дарҳақиқат, коллеж ўқувчи-ёшлари Германия

лойиҳаси асосида жиҳозланган махсус фан хоналари ва устахоналарда таҳсил олишмоқда. Олтига компютер жамланмаси улар ихтиёрига бериб қўйилган. Етти нафар муҳандис-педагоглар Германия кредити ҳисобидан "Информатика ва КТ" дастури доирасида иш олиб бориб, етук мутахассислар тайёрлашга астойдил ҳаракат қилишмоқда.

Ахборот технологиялари қамрови йил сайин кенгайиб боргани сари мутахассис кадрларга эҳтиёж ҳам ортиб борапти. 2011 йилда Термиз ахборот технологиялари ва маиший хизмат касб-хунар коллежини 300дан ортиқ йигит-қизлар битириши. Уларнинг барчаси вилоят алоқа корхоналари ва "Орбитасервис" масъулияти чекланган жамиятига ишга жойлашиши. Мустақил ҳаётга йўлланма олган ёш мутахассислар юртимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшишади. Бунда уч томонлама тузилган шартнома муҳим ҳалқа бўлиб хизмат қилади.

Шу кунларда Термиз ахборот технологиялари ва маиший хизмат касб-хунар коллежи битирувчилари ўрни шаҳар мактабларининг 9-синфини тугатган ўқувчи-ёшлар ҳисобига тўлдирилмоқда. Келгусида улар ҳам ўз эзгу ниятларига эришишади.

Нормтожи ЗИЁЕВ,  
"Xabar"нинг Сурхондарё  
вилоятидаги мухбири



(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Ўқув биносининг жануб томонида жойлашган 200 уринли замонавий мажлислар залида



ликда ва ҳаммуаллифликда ташкил этиш, виртуал кўргазмалар ўтказиш имкониятлари мавжуд. Ҳозир бу замонавий қурилма тўла қувват билан ишламоқда. Масалан, 2011 йил 29 январ куни ТАТУ ва Фарғона филиали ўртасида ташкил этилган видеоконференция алоқа тест тартибида бўлиб ўтди. Видеоконференцияда ТАТУ ректори Х.Муҳитдинов, проректорлар, "Huawei Tech Investment Tashkent" МЧЖ раҳбарияти ҳамда Фарғона филиали директор ўринбосарлари, деканлар ва иқтидорли талабалар иштирок этишиб, филиал фаолиятини янада ривожлантиришга доир таклифлар киритишди.

Бугунги кунда филиал малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича водийда ягона илмий-услубий марказ мақомида ҳам фаолият юритаётгани қувонарлидир. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона, Андижон ва Наманган филиаллари туман ва шаҳар почта алоқаси тармоқлари бўлим бошлиқлари ва операторларининг компютер технологиялари бўйича билимлари ва амалий кўникмаларини ошириш



**MUSTAQILLIK  
TENGDOSHLARI**

## Чўққиларга интилиб

*Дадам алоқачи бўлган-лиги сабабли бўлса керак, оилада ҳаммамизнинг соҳага қизиқишимиз кучли.*

Мен ҳам ўтган йили ин-форматика ва ахборот технологиялари факултетига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиндим. Энг олий орзуим ушалди. Бироқ, ҳали орзуларим шунчалар кўпки, уларни санаб алоғига етиш қийин. Аввало, дадажоним каби ажойиб алоқачи бўлиб еттишам дейман. Қолаверса, илмий изланишларим, интилишларим билан соҳа тараққиётига ўзимнинг муносиб ҳиссамни қўшсам айни муддао бўларди. Албатта, бу осон иш эмас. Соҳамиз беҳад мураккаб, беҳад муҳим – буни ҳам яхши ҳис этиб турибман. Буюк қомусий алломаларимиз илмий тадқиқотлари мазмун-моҳияти, фанга фидойиликлари, илм эгаллашдаги услубийлари бизга ибратдир. Илмга интилаётган биз ёшлар буюклик даъво қилмаймиз, лекин камтарона изланишларимиз фанга улۇш бўлиб қўшилишига ишонамиз. Ахир она заманимизнинг турли минтақаларида етишиб чиққан олимлар ўзларидан олдин яратилган илмий меросни чуқур ихлос билан ўрганганлар, таҳлилдан ўтказганлар, уларга таяниб янги кашфиётлар яратганлар. Биз ҳам улар каби кашфиётлардан фойдаланиб, янги чўққиларни кўзлаштириш зарур. Бунинг учун эса биз талабаларга барча шароитлар яратиб қўйилган. Фақат юракда ўт бўлса бас. Юрагида гайрати борлар эса уриниб-тургинмай тезда ўз йўларини топиб олишмоқда.

Бу йилги филиалимиз битирувчилари Феруз Раҳимов ҳамда Жаҳонгир Аҳмадалиевларнинг она шундай маънавий шижоат соҳиблари деб атасак, менимча, асло хато бўлмайди. Бир пухта ишлаб чиққан бизнес-режаси билан "Келажак овози" танловига голиб чиқиб, 1 миллион сўм грант олган бўлса, иккинчиси иш қилувчилар учун веб-саҳифа яратиб катта мукофотга сазовор бўлди. Биз улардан ба-ландроқ марраларга интилишимиз жоиз. Чунки биз истиқлол тенгдошларимиз.

Ҳа, шу муқаллас Ватанни севмоқ, шу Ватанни қадрламоқ, шону шарафи учун курашмоқ биз учун бахтидир.

**Дилдорахон ЭШИМОВА,**  
ТАТУ Фарғона филиали  
талабаси

# ОРЗУЛАР РЎЁБИ

халқаро миқёсдаги маънавий-маърифий тадбирлар, илмий-амалий анжуманлар, тантанали йиғилишлар тез-тез ўтказилмоқда.

Ўқув мажмуасининг кенг ва ёруғ йўлақларида, бог-роғлар барпо этилаётган обод ҳудудда бошқа вилоятлардан келган меҳмонларни, спортчи ёшларни, компютер технологияларига қизиқувчи мактаб ўқувчиларини қўриб ажабланмаймиз. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ахборот-коммуникация технологиялари тобора муҳим ўрин эгаллаётганини, бошқарув тизимига ахборот технологиялари жадал суръатлар билан кириб келаётганини ҳисобга олиб, йилдан-йилга ўқув жараёнини компютерлаштиришга жиддий эътибор берилаётгани, табиийки, университет фаолиятини кенгайтириб юборди. Электрон доскалар билан жиҳозланган, оптик толали кабеллардан иборат интернет тармоғига уланиш тизимлари ўрнатилган ўқув хоналарида хорижий мамлакатларнинг нуфузли илмий марказлари ва университетларида ишлаб тажриба орттирган Акбарали Расулов, Фазлиддин Полвонов, катта ҳаётгўй тажрибага эга Комилжон Акбаров, Незматжон Усмонов, Ҳабибулло Абдурахмонов каби профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар маърузаларини тинглаш, амалий машғулотларида иштирок этиш мумкин. Филиалда масофавий таълимни жорий этиш мақсадида 2011 йил январ ойида ТАТУ раҳбарияти ташаббуси билан "Huawei Tech Investment Tashkent" МЧЖ томонидан филиалга видеоконференция алоқа терминали ўрнатилди. Бу қурилма ёрдамида ТАТУ ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчиларининг маърузаларини тинглаш, унда филиал талабаларининг виртуал тарзда иштирок этишини таъминлаш, амалий машғулотларни биргаликда ба-жариш, илмий-амалий конференция, семинар, тренингларни ўзаро ҳамкор-

юзасидан жорий йилнинг март ойидан бошлаб малака ошириш курслари ташкил этилди, унда 170 дан ортиқ ходимлар малакаларини оширдилар. Шунингдек, ўтган йили ёзги таътил чоғида талаба ёшларнинг "Бунёдкор-2010" ташаббускор гуруҳлари ёрдамида Фарғона водийси аҳолисининг турли қатламларини компютер саводхонлигига ўргатиш амалиётга киритилиб, алоҳида танлаб олинган иқтидорли талабаларга йўриқномадир берилди ва махсус йўланмалар билан Наманган, Андижон, Фарғона вилоятларининг шаҳар ва туманларига юборилди. Натижа ёмон бўлмади: водий вилоятлари бўйича жами 2 мингдан ортиқ тингловчига мазкур йўналишда сабоқ берилди. Бу йил ҳам ёз ойларида эгуи ишимизни давом эттириб, вилоятлардаги уч минг тингловчинини компютер саводхонлигига ўргатишни режалаштирганмиз.

Жорий йилнинг 10-12 май кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «BEST SOFT UZBEKISTAN 2011» кўргазмасида ҳам филиалимизнинг бакалавриатура ва магистратура босқичларида таҳсил олаётган 9 нафар талаба 7 номдаги дастурий таъминот билан иштирок этишди. Жумладан, Дилноза Ҳақимова, Фарход Мулайидинов сингари талабалар томонидан тайёрланган лойиҳа ва ишланмалар мавзуларининг ўзиёқ бугунги талаба қандай илмий изланишлар билан машғуллиги ҳақида ёрқин таассурот уйғотди.

Бугунги кунимизнинг энг асосий талабаларидан бири ишга ижодкорлик назари билан ёндашишдир. Бу фикрлар, аввало, илмий-тадқиқот ишларига, инновацион лойиҳалар соҳасидаги изланишларга бевосита дахлдор деб ўйлайман. Юқорида айтиб ўтганимдек, ҳозир филиалимизда илмий соҳада олға силжишлар яққол кўзга ташланмоқда. Профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг ўзаро ҳамкорликдаги инновацион лойиҳалари сони кўпаймоқда. Ўтган йили истеъдодли талабаларимиз – Феруз Раҳимов, Ислон Қодиров

"Энг яхши инновацион гоё" номинацияси бўйича тақдирландилар.

Таълим муассасасида халқаро илмий алоқаларга ҳам кенг йўл очилмоқда. Масалан, Ўзбекистонда бўлиб ўтган "Россия таълими ҳафталиги" доирасида Иркутск Давлат техника университети делегацияси ТАТУ Фарғона филиалига ташриф буюрди. Университетнинг халқаро факултет декани В.Ефремов ва Халқаро фаолият бошқармаси бошлиғи Е.Арбатская билан ўтказилган давра суҳбати ҳар икки томонда катта қизиқти уйғотди. Учрашувда университет фаолияти тўғрисида тақдимот ва видеотақдимот намойиш этилди. Профессор-ўқитувчилар ва талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Яқинда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси биринчи кетиби М.Мохавикова, элчихона қошидаги Россия фан ва маданият маркази раҳбари З.Ҳосилова, Рус хорижий уйи директори ўринбосари В.Угаровларнинг филиалимизга ташриф буюргани узокни кўзлаб бошланган бу хайрли ишнинг мантиқий давоми бўлди. Қизғин тўрт мулоқот ниҳоясида меҳмонлар филиал АРМига Россия марказий нашриётларида чоп этилган ноёб китоблар туркумини совға қилишди.

Табиийки, фаолиятимиздаги бу каби ижобий натижаларни қўлга киритишимизда, аввало, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда ТАТУ раҳбариятининг кўрсатган самимий ва бегараз ёрдами, маънавий қўллаб-қувватлаши ётибди. Бош университетимизнинг Х.Соатов, О.Абдуазизов, С.Фаниев, Р.Исаев сингари нуфузли профессор-ўқитувчилари томонидан ўқилаётган махсус маърузалар талаба ва тадқиқотчиларда катта қизиқти уйғотмоқда. Шунингдек, филиал билан доимий равишда ўтказиб келинаётган видеоконференциялоқаларда И.Хан, Н.Гултўраев, Қ.Абдурахмонов ва Х.Зайнидиновларнинг магистр ва юқори босқич талабалари учун ўқитган маърузалари ўзининг долзарблиги билан юқори самара бермоқда.

**Рустам ТИШАБОВЕВ,**  
ТАТУ Фарғона филиали директори

## Диктат

Болаларда Ватанга муҳаббат уйғотишнинг энг яхши воситаси оталарнинг Ватанини севишларидир.

МОНТЕСКЕ





# UZTELECOM

## ЯНГИЛИКЛАРИ

● “Тошкент” радиоканали “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда янги — “Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари янгиликлари” дастурини ташкил этди. Дастур ҳар чоршанба соат 16.00дан бошлаб беш дақиқа давомида эфирга узатилади.

Шу вақтга қадар дастур уч бора эшиттирилди. Биринчиси, Ўзбекистон АТ-компанияларининг ребрендинга бағишланган бўлса, иккинчиси мамлакатимизда уяли алоқа тизимининг ривожланиши ҳақида бўлди. 6 июл куни эфирга узатилган эшиттиришда рақамли телевидение мавзуси кўтарилди.

“Ўзбектелеком” АК (UZTELECOM савдо белгиси) дастурининг ахборот ҳамкори ҳисобланади.

● Шу йилнинг 2 июлидан бошлаб провайдерлар учун интернет-хизматлар (ташқи канал) тарифи 1 Мбит/сга 705 АҚШ доллари миқдорига белгиланди. Эслатиб ўтамиз, бу — 2011 йил давомида ташқи канал тарифларининг иккинчи бор пасайтирилишидир. Жорий йилнинг бошида ташқи канал нархи 849 АҚШ долларини ташкил этарди. Феврал ойида у \$755га туширилди, июлда эса \$705га. Шу тарзда, 2011 йилнинг биринчи ярим йилгида нархлар 20,4 фоизга пасайди.

● Компания Twitterда ўз расмий саҳифасини очди. Эндиликда Ўзбекистон Миллий телекоммуникациялар операторини жаҳондаги йирик микроблоглар сервисига кўриш мумкин. Компаниянинг барча абонентлари қулай форматда компания хизматлари ва тарифлари ҳақида энг сўнгги янгиликларни ўқий оладилар. Саҳифа манзили <http://twitter.com/uztelecom>.

**“Билайн” 2011 йил I ярим йилликдаги хайрия фаолияти якунларини сарҳисоб қилди. Жорий йил биринчи 6 ойи мобайнида ушбу мақсадларга 300 млн. сўм йўналтирилди.**

## Хайрия ишларига 300 млн. сўм

“Билайн”нинг Ўзбекистонга келган кунидан бошлаб корпоратив ижтимоий масъулият ва хайрия оператор фаолиятининг ажралмас қисмига айланди. Мазкур фаолиятнинг аънавий йўналишлари — спортни, таълим ва маданиятни қўллаб-қувватлашдан иборат бўлиб, шу қаторда компания учун болалар, фахрийлар ва ногиронларга ёрдам кўрсатишга қаратилган гуманитар акциялар ҳам муҳим ҳисобланади. Жумладан, Хотира ва қадрлаш куни арафасида “Нуроний” жамғармаси билан биргаликда Иккинчи жаҳон урушининг юзлаб қатнашчиларига тантанали зиёфат маросими ташкил этилди.

Биринчи ярим йиллик якунларини шарҳлар экан, “Юнител” МЧЖ Бош директори Андрей Сафронюк қуйилгиларни қайд қилди: “Охирги ойлар Ўзбекистон спортида катта муваффақиятларга бой бўлди. Футболчиликнинг тарихида биринчи бор усмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг чорак финалига чиқдилар. Биз Болалар спортини қўллаб-қувватлаш жамғармасига ҳомийлик қилган ҳолда мамлакатнинг спорт соҳасидаги ютуқларига қўшаётган ҳис-

самиздан фахрланамиз. Вишванатан Ананд ва Рустам Қосимжонов ўртасидаги матч каби томошали тадбирлар ҳам биз қўллаб-қувватлаётган Шахмат федерацияси ёрдамида амалга оширилди”.

Шу кунларда мамлакатнинг барча вилоятларида “Болалар учун мобил интернет” хайрия марафони ўтказилди. Унинг доирасида компания вакиллари “Билайн” USB-модемлари ёрдамида қишлоқ мактаблари, интернетлар ва Мурувват уйларидаги компьютер хоналарини тармоққа улашди.

Компания бутун республика бўйлаб миллионлаб абонентларга хизмат кўрсатмоқда. “Билайн” офислари ҳар бир вилоят марказида очилган, шунинг учун операторнинг ижтимоий стратегиясида маҳаллий ва худудий маъмуриятлар билан узвий ҳамкорликда худудларни ободонлаштиришга ёрдам кўрсатиш жиддий рол ўйнайди. Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлаш арафасида мазкур йўналиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Чунки бутун мамлакат бўйлаб инфратузилмани такомиллаштириш бўйича катта бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти.

— “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида” қабул қилинган янги қонун иш фаолиятимизда дастуриламал бўлмоқда, — дейди Марғилон энгил саноат касб-ҳунар коллежи ахборот-ресурс маркази раҳбари Феруза Содикова. — Марказимиз зарур замонавий техника ва жиҳозлар билан таъминланган.

## Дастуриламал

Бу ерда турли соҳага оид рисолаларни топиш мумкин. Қувонарли томони, марказда замонавий жиҳозланган сўнгги русумдаги олти компьютер интернетга уланган ҳолда китобхоналар иштирилади. Улар “ZiYONET” тармоғига ҳамда интернетга уланганлиги ва касб-ҳунарга оид рисолаларнинг кўплиги коллежда таълим олаётган ёшларнинг эътиборини тортмоқда. Бундан ташқари, ўқувчилар фойдаланиши учун 100дан ортиқ электрон дарсликлар компьютер ёрдамида намойиш этилади. Зиё масканига 54дан ортиқ ўқувчи ва 54 нафар ўқитувчи ҳамда бошқа ходимлар доимий аъзо ҳисобланади. Коллеж талабалар тураржойида кутубхона ташкил этилган бўлиб, унга АРМ ходими

Илҳом Ҳайдаров биркитилган. 1000дан зиёд китоб фондига эга ушбу кутубхона ўқувчилар хизматида, бу ерда турли мавзуларда тадбирлар, адабий кечалар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

АРМда коллеж ўқитувчи мураббийлари томонидан ёзилган турли дарс ишланмалари, услубий қўлланмалардан ўқувчилар фойдаланиб келяпти. Чунончи, ўқитувчи Ш.Тожибоевнинг “Астрономиядан маълумотлар”, Г.Боевнинг “Инглиз тили” услубий ишланмалари, касбий таълим устаси У.Ғафурованинг маъруза матнари шулар жумласидандир.

Марказнинг Одина Тошпўлатова, Илҳом Ҳайдаров, Арабжон Дадабоев, Дилназов Эшбоева, Фаррух Мўминов каби беш нафар ходими компьютер ва компьютер тармоқларини солаш ва таъмирлаш

бўйича техник, тикувчилик, чарм буюмларини ишлаб чиқариш, машина ва жиҳозларга хизмат кўрсатиш механизми, энгил саноат корхоналари ишлаб чиқариш жиҳозларини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш механизми, йигирув

ишлаб чиқариш техник-технологи, компьютер саводхонлиги сингари йўналишлар бўйича таҳсил олаётган 550 нафар ўқувчига кўнгилдагидек хизмат кўрсатмоқда.

АРМ ходимларининг бевосита ташаббуси билан “Қиргули” ва “Гулистон” маҳаллалари худудига ўтган йили компьютер ва ахборот-ресурс маркази шохобчаси очилди. Шохобчага Озода Раҳимова раҳбарлик қилиб келяпти. Шохобча 200дан ортиқ китобхона хизмат кўрсатмоқда. Шохобча ўқувчиларининг қизиқишига, ёшига қараб барча зарур жиҳозлар билан таъминланган, компьютер билан ишлашни ўргатадиган тажрибали мутахассис-мураббийлар жалб этилган.

Муҳаммаджон  
МАҲМУДОВ

## Одамларга пешвоз чиқиб...

Элга ҳалоллик билан хизмат қиладиган кишилар қанча улуғланса, ардоқланса арзийди. Уларнинг кадрига, албатта, етмоқ даркор.

Мен Намангандаги кўп қаватли уйлarning бирида яшайман. 1 ва 2-кичик туман худудига истикомат қиладиган кишиларга хизмат кўрсатаётган почтачи Али Халиловни кўп учратаман. У нафақа олувчиларнинг чинакам ғамхўри, дардқаши. Аъло хизматидан, ҳозиржавоблигидан кексаларимиз дилдан қувонишади.

— Биз “Тўқувчи”, “Навбахор”, “Мустақиллик” маҳаллаларида яшаётган уч мингдан ортиқ аҳолига хизмат қиламиз, — дейди Наманган шаҳридаги 27-алоқа бўлими бошлиғи Наримон Қодиров. — Айниқса, шу кунларда маҳалладошларимизга тезкор ёрдам кўрсатиш йўллари ишлаб чиққанмиз. Коммунал тўловлар бўйича махсус штаб ташкил қилиб, навбатчиликни йўлга қўйдик. Яхши самара бермоқда. Почтачиларимиз — Али Халилов билан Моҳир Ўру-

нов 1200 нафар пенсионерга пулини ойма-ой вақтида етказиб беришяпти.

Энди нафақачиларнинг дил сўзларини эшитайлик.

Раиса Фазлиева:

— Алоқачилар хизматида беш баҳо. Уларга минг раҳмат!

Марина Болотова:

— Пулимизни вақтида оляпмиз. Бор бўлсин, ана шундай ғамхўр ходимлар.

Зайнаб Гаипова ва Маҳмуда Суянова:

— Ҳозиржавоб жамоага омад тилаймиз. Маълумки, кўпинча айрим алоқа бўлимлари хизматидан аҳоли қониқмайди.

Аммо Наримон Қодиров бош бўлган мазкур бўлимда ибратга сазовор ишлар кўп. Бошқа алоқа бўлими ходимлари ҳам шу жамоага тенглашса ёмон бўлмасди.

Пулат ҲАМДАМ  
Наманган вилояти

## Ташкилотчиларга раҳмат!

Яқинда соҳа ходимларининг фарзандлари ўртасида ўтказилган Биринчи болалар олимпиадасида ўғлим Шаҳзод Мусаев қатнашди.

Ўғлим Қарши шаҳридаги 11-ўрта умумтаълим мактабининг 4-синфини муваффақият-ли якунлади. Ўтказилажак спорт мусобақаси тўғрисида айтганимда хурсандчилигининг чеки йўқ эди. Узи ҳам мактабда ташкил этиладиган спорт мусобақалари, синфдан ташқари тадбирларда фаол иштирок этиб, доимо пешқадамлик қиларди. Бироқ бу каби юксак тадбирда унинг биринчи иштироки. Спортнинг шашка турида 3-даражали диплом билан тақдирланганлиги уни чексиз қувонтириб, бўш вақтларини спорт машғулотлари билан ўтказишига туртки бўлди.

“Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалида меҳнат қиладиган алоқачилар фарзандлари номидан Азизбек Норов футбол, Асилбек Бўриев эса стол тенниси бўйи қатнашиб, улар ҳам дипломлар билан қайтидилар. Кўриниб турибдики, ҳеч бир бола эътибордан четда қолмабди.

Болалар олимпиадаси ташкилотчиларига алоқачи ота-оналар номидан миннатдорчилик билдираман.

Аҳтамхон СУЛАЙМОНОВ,  
“Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиали бўлим бошлиғи





## Бир жамоа бўлса, шунчалик бўлар!

Ўсмирларимиз Мексикага умид ва ишонч билан кузатиб қўйилганди. Уларнинг камида гуруҳ босқичидан чиқиши кутилганди. Вазифа эса ортиги билан бажарилди.



Аввалига ҳеч бўлмаганда учинчи ўрин билан нимчоракка чиқишни умид қилиб юрган бўлсак, футболчиларимизнинг чиroyли хатти-ҳаракатлари сабаб, орзуларимиз баландроқ уча бошлади. АҚШ ва Чехия, сўнгра Австралия ўсмирларимиз олдида чорасиз қолди.

Бир жамоа бўлса, шунчалик бўлар! Нафақат Жаҳон чемпионатида чиқдик ва қатнашдик, чиroyли галабаларимиз билан чорак финалгача етиб келдик. Шу босқичга қадар чиқа олган саккизта жамоа рўйхатида бир қаранг! Бразилия, Германия, Англия, Франция, Мексика, Уругвай, Япония ва ЎЗБЕКИСТОН. Таърифга ҳожаг йўқ.

Бизни галабаларга ишонтира олган, унга ўргата бошлаган жамоамиз чорак финалда ҳам осонгина таслим бўлмади, аниқ эди. Энди рақибларимиз ҳам бизга алоҳида ҳурмат билан қарай бошлашганди. Уругвай ўсмирлар терма жамоаси билан ўйин давомида бу яққол сезилди. Биз ўз ўйинимизни кўрсатишга ҳаракат қилган бўлсак, Уругвай бизга қарши алоҳида қурол билан майдонга тушди. Жанубий америкаликлар мураббий асосий устун жиҳатимизни синчковлик билан ўрганган экан. Евстафьев жамоаси “немисча” ҳужумларни муваффақиятли амалга оширад эди. Яъни, футболчиларимиз муваффақият қозониши учун тезкорлик ҳамда очик зоналар қўл келмаётганди. Галаба қозонган барча учрашувларимизда шу услубдан фойдаландик. Уругвайликлар устози буни кўра билгани учун футболчиларини ҳимояда зич жойлаштирди. Очик зоналар деярли қолдирилмади.

Олд чизикда эса техник устуниқларидан фойдаланишни афзал билди. Футболимизнинг асосий муаммоларидан бири ҳам шу — юқори техникали футболчиларига эга рақибларга доим қийналамиз. Техника зич ўйналдиган футболда (футзалда бўлгани каби) жуда қўл келади. Бизнинг жамоаларимиз зич ўйнашни ҳуш кўрмайди. Жанубий америкаликлар эса тескариси. Уларнинг асосий қуроли кўча футболли ва футзалда шакллантирилган техник элементларга асосланган. Рақибни алдаб ўтиш учун бир-икки метр радиусдаги кенглик кифоя. Бизникилар бунақа зичликдан тўпни ўзи билан олиб чиқиб кета олмайдди. Кўникма йўқ, Рақибни алдаб ўтиш учун 5-10 метрлик радиусда бўш зона бўлиши керак. Футбол техникамиз шунга асосланган. Уругвайликлар зич ўйнай бошлагач, тўп узатишларимизда ҳам хатолар кўпая бошлади...

Чорак финалда мағлуб бўлдик. Аммо

бизни хурсанд қилгани — ўсмирларимиз рақиб устуниқини сезса-да, таслим бўлгиси келмади, охиригача курашди. Бундай йирик мусобақалар жамоаларнинг асл кучи ва имкониятини кўрсатиб беради. Футболда имкониятлар маълум бир чегарага бориб улгургани йўқ. Йилдан-йилга такомиллашиб борапти. Ўсмирларимиз ҳам айнаи ўсиб-улгайиш даврини бошларидан кечирмоқда. Жамоа мураббийлари ЖЧда намойиш қилган ўйинларини янада кучайтириш, камчиликларни эса баргаф этишни удраласалар, келгусида янаям кучлироқ ўйин, янаям яхшироқ натижалар кутишга ҳақди бўламыз.

Мундиал бу — футбол фестивали. Унда турли қитъа ва давлатлар ўз футболини намойиш этадилар. Ўзбек футболли ҳам Жаҳон чемпионатида ўсмирларимиз ижросида муносиб намойиш қилинди. Тухфа этган байрамингиз учун раҳмат сизга, Ўзбегим ўғлонлари!

Бухородаги “Семург” спорт мажмуида вилоят алоқа ходимларининг мини-футбол мусобақалари бўлиб ўтди. Унда “Ўзбектелеком” АК, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ, “Ўздунробита” ХК, ОАТ “Алоқабанк”-нинг Бухоро филиаллари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги вилоят худудий бошқармаси терма жамоаси, радиотелевизион узатиш маркази, шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламасининг вакиллари иштирок этди.

## Ғолибликка интилиб

Кескин курашлар остида ўтган баҳслар давомида алоқа ходимлари бу муҳим спорт тадбирига пухта тайёрларик билан келганликлари кўзга ташланди. Хусусан, “Алоқабанк”нинг Бухоро филиали футболчилари бор маҳорат ва имкониятларини ишга солиб, дастлабки ўйинларда ҳам, финал баҳсида ҳам мутлақ ғолибликка эришишти. Бош мураббий Баҳодир Набиев, жамоа сардори Нуриддин Нарзиевларнинг кундалик ишдан бўш пайтларида спортнинг айнан шу тури билан шуғулланишга эътиборни кучайтирганликлари, қолаверса, ҳужумчилардан Умиджон Отажонов, ҳимоячилардан Анвар Холов, Шерали Жалилиов, Замир Азимов, Сардор Қўлдошев, дарвозабон Мақсуд Каримовларнинг майдонда чаққонлик ва диллик намуналарини кўрсатганликлари, жисмоний жиҳатдан пухта тайёргарликка эга эканликлари уларга муваффақият келтирди.

Шундай қилиб, мусобақалар якунида биринчи ўринни ОАТ “Алоқабанк”нинг Бухоро филиали олган бўлса, иккинчи ўрин “Ўзбектелеком” АКнинг Бухоро филиалига, учинчи ўрин “Ўздунробита” ХКнинг вилоят филиалига насиб этди.

Асқар ИСТАМОВ,  
“Хабар”нинг Бухоро  
вилоятидаги мухбири

## Каратэчиларимиз муваффақияти

Россияда Бутунжаҳон шотокан каратэ бирлашмаси — WSKU бўйича ўсмирлар, ёшлар, катталар ва фахрийлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 4 олтин, 3 кумуш, 7 бронза медални қўлга киритди.

## Замонавий спорт мажмуаси

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида Ўзбекистон Шарқ яққакурашлари ва жанг санатларини ривожлантириш марказининг янги “Ширинбулок” спорт-соғломлаштириш базаси фойдаланишга топширилди.

Ушбу спорт-соғломлаштириш базасида ўқув-машгулот ўйинларини ташкил этиш, терма жамоа аъзоларининг жаҳон ва қитъа чемпионатларига тайёргарлик кўриши, шунингдек, турли кўрик-танлов ва спорт мусобақаларини уюштириш учун барча шарт-шароит яратилган. Зарур спорт жиҳозлари билан таъминланган машгулот зали, мини-футбол ва баскетбол майдонлари, ёзги сузиш ҳавзаси, ошхона, ётоқхона, мураббийлар ва тиббиёт ходимлари хоналарида барча қулайликлар мавжуд.

## Навбатдаги йигин Австрияда

Ўзбекистон миллий ва олимпия терма жамоалари 8-18 июл кунлари Австриянинг Улрих шаҳрида ўқув-машгулот йигинларини ўтказди. Йигин доирасида Европа клублари билан назорат учрашувлари бўлиб ўтали.

Вадим Абрамов бошчилигидаги миллий ва олимпия терма жамоаси бир вақтнинг ўзида бирга йигинда қатнашишгани боис Фарғонанинг “Нефчи” клуби ҳимоячиси Ислам Тўхтаўжаев миллий терма жамоа аъзоси сифатида Австрияга йўл олади. Миллий терма жамоамиз таркибига легионерлар жалб қилинмаган, шу сабаб бир қатор номзод ўйинчилар кўздан кечирилади.

Олимпия терма жамоаси эса ўзининг оптимал таркиби билан Австрияга йўл олади.

Эслатиб ўтамыз, икки терма жамоадан иборат делегация аъзолари 8 июл куни эрталаб Мюнхен орқали Австрияга сафар қиладилар.

## “Бунёдкор” 6 ёшда!

“Бунёдкор” футбол клуби фаолият бошлаганига 6 йил бўлди. Орта қолган шу қисқа вақт клуб номининг нафақат қитъамизда, балки бутун дунёда кенг ёйилиши мунч кифоя қилди. Бугунги кунда “Бунёдкор” брэнди 3,9 миллиарддан зиёд аҳолиси бор Осиё қитъасида аллақачон машҳур бўлиб улгурган. Ер юзининг турли чеккаларида ҳам Ўзбекистонда “Бунёдкор” деган клуб борлигини кўпчилик яхши билади.

## Эл-класиколарнинг санаси маълум

Испания чемпионатининг 2011/12 мавсумига қуръа ташланди. Чемпионат 21 августда бошланади ва 13 майда ниҳоясига етади.

Шу йилнинг 14 ва 17 август кунлари «Реал» ва «Барселона» Испания Суперкубогида ўзаро майдонга тушиши маълум эди. Биринчи ўйин «Сантьяго Бернабеу»да, иккинчиси «Камп Ноу»да бўлиб ўтади.

Чемпионат учрашувлари доирасидаги Эл-класико ўйинлари эса 11 декабр ва 22 апрел кунлари ўтказилади. Биринчи ўйин яна «Сантьяго Бернабеу»да ўтади, иккинчиси «Камп Ноу»да.

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси Республика ахборот-кутубхона маркази директори Алишер Ишматовга опаси **Ирода САИДОВА**нинг вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Республика ахборот-кутубхона маркази жамоаси маркази директори А.Ишматовга опаси **Ирода САИДОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона маркази жамоаси Республика ахборот-кутубхона маркази директори Алишер Ишматовга опаси **Ирода САИДОВА**нинг вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

“Ўзи-Қарши” филиали жамоаси филиалнинг Маркетинг ва бизнесни ривожлантириш бўлими менежери Бахтиёр Авлақуловга опаси **Муассар ая КАМОЛОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.



**Кимиз — бия сутидан тайёрланадиган шифобахш ичимлик.**



# ҚИМИЗ

● Қимиз модда алмашинувини яхшилайди, ҳазм қилишни кучайтиради, иштаҳани очади. Қимиз сил касаллигида, гипоацид гастритларда, сурункали холецистит ва энтероколитларда даволаш воситаси сифатида ишлатилади. Қимиз йўғон ичкада чириш жараёнини сусайтириб, заҳарли моддалар ҳосил бўлишини камайтиради. У организмда кислота-ишқор мувозанати, сув алмашинуви, қон ишланишини яхшилайди.

● Чарчаш, озиб кетишда, нотўғри овқатланиш (яъни, овқат таркибида оқсил ҳамда витаминларнинг етишмаслиги), изтиробли ҳасталикларни бошдан кечириш туфайли дармонсизланишда, шунингдек, жароҳат сабабли кўп қон йўқотилганда сутка мобайнида 1-2 литр қимизни оз-оз миқдорда овқатланиш вақтида ёки овқатланиш оралигида ичиш тавсия этилади.

● Қимиз таркибида салмоқли миқдорда калций тузлари бўлиб, улар асаб тизимининг фаолиятини яхшилайди ҳамда сил ҳасталигида жароҳат ўчоқларининг тузалишига мойиллик яратади. Қимизда микро-организмлар фаолияти натижасида ҳосил бўладиган низин номли антибиотик борлиги аниқланган. Низин моддаси сил касаллиги таёқчаларининг ривожланишига тўсқинлик қилиб, бу ҳасталикни даволашда ёрдам беради.

● Қимиз ўз таркибида дармондори ҳисобланувчи А, С, В гуруҳидаги витаминларга бой. Булар, ўз навбатида, кишининг асаб тизimini мустақамлайди, иштаҳа очади. Танада модда алмашинувида ижобий таъсир кўрсатади. Камқонлик, миокард инфаркти, ошқозон ва 12 бармоқли ичакнинг ялиғланиши, гастрит, цинга, бронхит, нафас олиш йўллари, ич кетиши, дармонсизликни даволашда яхши натижа беради. Яра тузалишини тезлаштиради, ошқозонда шира ажралишини тартибга солади, юракни бақувватлаштириб, қоннинг таркибий қисмига, қон ишлаб чиқишига яхши таъсир қилади, қизил ва оқ қон таначаларининг кўпайишига ёрдам беради, қон босимини оширади.

Сафар МУҲАММАД,  
доришunos ва табиб

## RIVOYAT

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд буюк сиймо, авлиё, ислом оламнинг етук намояндасидир. Унинг ҳаётбахш гоялари нафақат Марказий Осиё, балки Европа ва Америкада ҳам чуқур ўрганилган. Шунингдек, аллома ҳақида қатор ривоятлар ҳам тарқалган.

## Олижаноблик тимсоли

Ривоят қилишларича Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг қўлларидан доимо тупроқ ҳиди келиб турар, кўпинча ул зотнинг кафтларида тикан излари бўларди. Шогирдлари бунинг сирини била олмай ҳайрон бўлишаркан. Бир кун улардан бири тонг саҳардан ул зоти шарифининг изига тушибди. Маълум бўлишича, ул зот ҳеч ким кўрмаслиги учун эрта тонгда туриб, одамлар ўтадиган йўлни тош ва кесак, тиканлардан тозалаб, равон қилиб қўяр экан. Барча шогирдлари устознинг олижаноблиги ва камтарлигига тан беришибди.

## Садақа балони қайтарар

Ҳазрати Нақшбанд бир бозорга кириб, новвойдан садақа тилади. Аммо новвой нон бергиси келмай, безрайиб тураверди. Ҳазрат садақа сўрашда давом этди. Одамлар эса ҳайрон қараб туришарди.

Ахийри новвой бу қайсар "тиланчи"дан қутула олмаслигини билиб, унинг қўлига битта нон тутқазди. Шу пайт Нақшбанд ҳазратлари осмонга ишора қилдилар. Одамлар бир қора нарса новвойнинг боши томон тушиб келаётганлигига гувоҳ бўлишди. Ҳазрат нонни осмонга қараб отдилар. Нон бояги қора нарсани тўсиб қолди.

— Эй, нодон инсон, — дедилар у зот новвойга. — Мен нонга муҳтож эмас эдим. Сенинг бошинга бало келаётганлигини сезиб, шу балодан асраш учун тиланчи қиёфасида садақа сўрадим. Садақа балони қайтаришини билмасмидинг?

## Кўпол ўйнадик

Филлар ва куёнлар футбол ўйнашибди. Ўйинда, албатта, филлар ғалаба қозонибди. Ўйиндан сўнг филлар сардори куёнлар сардори олдига келиб, "кечири" сўрабди.  
— Хафа бўлмайсизлар-да, энди. Бу футболда бўладиган воқеа. Ўйин вақтида кўпларингизни тонгаб ташладик.  
— Албатта, албатта, — дебди куёнлар сардори бўш келгиси келмай. — Тўғриси, биз ҳам кўпол ўйнадик.

## Хуноблик сабаби

Ўриндикда ўтирган эркак хуноб бўлиб жаврапта.  
— Ёшлар бетарбия. Катталарга ҳурмат нима эканлигини билмайди. Иккинчи эркак сўрайди:  
— Нега хуноб бўласиз, ўтирибсиз-ку!  
— Мен-ку, ўтирибман. Лекин хотиним қачондан бери тик турибди-да!

Х  
А  
Н  
Д  
А

## Обуна бўлишни қўқитмадингизми?

OBUNA-2011

Қадри муштарийлар!  
"Xabar" газетасига иккинчи ярим йиллик учун "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг барча почта алоқаси бўлимлари ва "Матбуот тарқатувчи" АК шохобчаларида обуна бўлишингиз мумкин.

Газета ҳафтанинг жума кунни, 16 саҳифада, тўлиқ теледастурлар билан чоп этилади. Шошилинг, обуна давом этмоқда.

**Xabar** Сизнинг газетангиз!

Нашр кўрсаткичи — 228.



**Xabar**

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:  
Абдусамд КҮЧИМОВ

### ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХҲЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувоп НАЖБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфиалло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

### Тижорий материал —

Реклама матнларининг тўричилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

### МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,  
Бунёдор шоҳқўчаси, 8-уй.  
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.  
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.  
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.  
Навбатчи: Собит АҲАДОВ.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума кунни чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-702 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ, Адади: 15352 нуска.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

Вилоят муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80

Бухорода 223-27-85

Гулистонда 40-12-19

Жиззахда 226-06-34

Навоийда 225-91-10

Наманганда 226-61-85

Нукусда 554-35-45

Самарқандда 233-61-81

Термизда 224-06-12

Тошкентда 288-40-66

Урганчда 226-37-16

Фарғонада 224-91-56

Қаршида 314-08-99